



**Ганишер РАҲИМОВ**  
ректор  
филология фанлари номзоди  
Самарқанд давлат чет тиллар институти  
[ganisher1@rambler.ru](mailto:ganisher1@rambler.ru)

### **САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИДА ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎҚИТИШ ВА ТАЪЛИМ ИСЛОҲОТЛАРИНИНГ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ**

Самарқанд давлат чет тиллар институтида Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, Вазирлик хайъати қарорлари, буйруқлари ва модемномалари, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” асосида ишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1875-сон қарори ижросидан келиб чиқиб, институтда ўқитиладиган 9та тил бўйича CEFR талаблари асосида фан дастурлари, баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилган ва ўқув жараёнига татбиқ этилган.

Касб-хунар коллежлари учун 8та йўналиш – иқтисод, тиббиёт, молия, педагогика, информацион технологиялар, санъат, маиший хизмат йўналишлари бўйича ўқув-услубий қўлланмалар тайёрланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги ПФ-4456-сон Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 365-сонли қарори талабларининг бажарилишини таъминлаш бўйича институтда 5та ихтисослик бўйича 17 нафар катта илмий ходим-изланувчи ва 16 нафар мустақил изланувчи докторлик диссертацияси устида илмий-тадқиқот олиб бормоқда.

Институтда фаолият олиб бораётган профессор-ўқитувчиларнинг илмий салоҳиятини доимий равишда ошириб бориш, ёш профессор-ўқитувчиларни ҳамда катта илмий ходим-изланувчи ва мустақил

изланувчиларнинг илмий фаолиятига кенг йўл очиб бериш ва уни такомиллаштириш мақсадида илмий-методологик семинар фаолият кўрсатади.

Институт профессор-ўқитувчилари томонидан ушбу ўқув йилида 2 та дарслик, 2 та ўқув қўлланма, 26 та ўқув-услубий қўлланма 8 та монография нашр этилган. Бундан ташқари, хорижий нуфузли журналларда 26 та, халқаро илмий-анжуманларда 24 та, ОАК тасарруфидаги журналларда 51 та, Республика олий таълим муассасаларида бўлиб ўтаётган республика илмий-амалий анжуманларида 596 та, халқаро конференцияларда 28 та илмий мақола чоп этирилди.

Жорий ўқув йилида магистр ва талабалардан илмий анжуманларда 350 дан зиёд, Республика олимпиадаларида 58 та, илмий-тадқиқот ишларида эса 126 га яқин киши иштирок этган. Институтимизда иқтидорли талабаларни илмга йўналтириш, илмий ворисликни таъминлаш мақсадида устоз-шогирд алоқалари йўлга қўйилган.

Буларнинг натижасида 10 нафардан ортиқ талаба ва магистр турли номдаги Давлат стипендиялари совриндори бўлдилар, талабаларнинг халқаро ҳамда Республика Фан олимпиадаларида фахрли ўринларни эгалладилар. Республикада мавжуд барча ОТМлар ичида 2016 йилнинг 22 апрел ҳолатига кўра Самарқанд давлат чет тиллар институтининг расмий веб-сайти ([www.samdhti.uz](http://www.samdhti.uz)) барча йўналишлар бўйича юқори – 89 балл тўплаб, республикада энг яхши бешталик ичида тўртинчи ўринни эгаллаб турибди.

Самарқанд давлат чет тиллар институтида тадқиқот ишларига йўналтириш илк талабаликдан бошланади – қобилиятли, иқтидорли талабаларни илмга йўналтириш, талабалар орасидан иқтидорли ёшларни танлаб олиш, уларни моддий-маънавий рағбатлантириш ҳамда илмий-тадқиқот ишларига жалб қилиш индивидуал равишда олиб борилади. Бугунги кунда ҳар бир кафедрада илмий семинарлар ташкил этилган.

Самарқанд давлат чет тиллар институтида ишлаб чиқариш билан ўзаро манфаатли инновацион корпоратив ҳамкорликни амалга оширувчи асосий бошқарув бўғини – институт кафедралари ҳисобланади. Мазкур ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида кафедралар қошида етук профессор-ўқитувчилар, тегишли ишлаб чиқариш корхона вакиллари, катта илмий ходим-изланувчи, магистрант ва иқтидорли талабалар таркибидан иборат инновацион гуруҳлар шакллантирилган.

Самарқанд давлат чет тиллар институтида “Чет тилини ўқитишни ривожлантириш”, “Инглиз тили ўқитувчиларининг касбий маҳоратини

ошириш маркази”, “Инновация маркази” каби ўқув-илмий комплекслар ташкил этилган.

Айни пайтда, институтимиз Корея, Хитой, Япония, Қозоғистон, Малайзия, Буюк Британия, Германия, Испания, Индонезия, Латвия, Италия, Руминия ва Россия каби давлатларнинг 33 та хорижий олий таълим муассасаси ҳамда халқаро ташкилотлар билан тузилган шартнома, битим, меморандум ва протоколларга асосан турли йўналишларда ҳамкорлик фаолиятларини олиб бормоқда.

Ҳозирги вақтда институтимизда 14 нафар хорижий профессор – ўқитувчи фаолият кўрсатади. Жумладан, 1 нафар немис тили, 1 нафар француз тили, 8 нафар хитой тили, 1 нафар корейс тили, 1 нафар индонез тили, 1 нафар инглиз тили, 1 нафар араб тили мутахассиси институт талабаларига сабоқ бериб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 19 мартдаги “2012 йилда Ўзбекистон Республикасига донор мамлакатлар, халқаро, хорижий ҳукумат ташкилотлари ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотларнинг беғараз техник кўмагини (грантларини) жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорини амалга ошириш бўйича институт иштирок этаётган Европа иттифоқининг Темпус дастури грантлари сони эса 4тани ташкил этади ҳамда институт профессор-ўқитувчилари ушбу лойиҳаларда фаол иштирок этмоқда. Бу лойиҳалар Европа тилларини ўқитишни ривожлантириш мақсадида замонавий технологиялар асосида ўқитувчиларни тайёрлаш бўйича магистратура мутахассисликлари учун дастурлар яратиш; Марказий Осиё олий таълим кенглигини яратиш йўлида структурал адаптация ва таълим сифатини ошириш; Марказий Осиёдаги олийгоҳлардан бакалавр, магистрант ҳамда докторантларни Европа университетларида халқаро мобиллигини ташкил қилиш орқали янги кўптомонлама ҳамкорлик тармоғини яратиш; Республикамиз олий таълим тизимини халқаро талабларга мослаш ва таълим жараёнларини замонавийлаштириш каби долзарб масалалар ечимига қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 18 сентябрдаги “Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзинпиннинг Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифи давомида эришилган келишувларни амалга ошириш ва икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш тўғрисида”ги Ф-4131-сонли Фармойишига асосан Самарқанд давлат чет тиллар институти қошида Конфуций институти очилди.

Институтимизда 2016 йилда битта халқаро миқёсдаги ҳамда 4 та республика миқёсидаги анжуманлар ўтказилиши режалаштирилган.

Институтимиз талабалари орасидан иқтидорли ёшларни танлаб олиш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш ҳамда илмий-тадқиқот ишларига жалб қилишда индивидуал равишда иш олиб борилмоқда. Натижада институтимизнинг бир қанча талабалари номдор стипендиялар, танловлар ва таълим муассасаларининг турли грантлари ғолиби бўлдилар. Жумладан, инглиз тили факультети 3 курс талабаси Абдураззоқов Бобуржон Навоий номидаги Давлат стипендияси совриндори, таржима назарияси ва амалиёти факультети талабаси Мухторова Шахло “Француз тили” (умумкасбий) фани бўйича Талабаларнинг Республика фан олимпиадаси 2 босқичида фахрли 2-ўринни, роман-герман филологияси факултети немис тили йўналиши 3 курс талабаси Мажидова Собира “Немис тили ва адабиёти” фанидан олий таълим муассасалари талабалари республика фан олимпиадаси 2-босқичида фахрли 2-ўринни, роман-герман тиллари факултети француз тили йўналиши 3 курс талабаси Гаспарян Нарине “Француз тили ва адабиёти” фанидан олий таълим муассасалари талабалари республика фан олимпиадаси 2 босқичида фахрли 3-ўринни эгалладилар.

Жорий йилнинг 6-8 апрель кунлари Қозоғистон Республикаси Қарағанда давлат университетида “Бугунги жамиятнинг социомаданий трансформацияси шароитида тил таълими” мавзусидаги халқаро илмий Форум доирасида бўлиб ўтган Халқаро Талабалар олимпиадасида институтнинг беш нафар талабаси иштирок этди ва натижаларга кўра, “Немис тили” бўйича роман-герман тиллари факултети немис тили йўналиши 4-курс талабалари Казаков Туронбек фахрли 2-ўринни, Каримов Жасур фахрли 3-ўринни, “Хитой тили” бўйича таржима назарияси ва амалиёти факултети хитой тили йўналиши 4-курс талабаси Ғайбуллаев Жўрабек фахрли 2-ўринни кўлга киритдилар.

Ҳозирги кунда институтга Самарқанд шаҳридаги 1-сон ҳамда Каттакўрғон шаҳрида жойлашган 2-сон академик лицейлар ҳамда 25 та касб-хунар коллежлари бириктирилган. Ушбу таълим муассасалари билан ҳамкорлик шартномалари имзоланган. Бундан ташқари, институт қўшимча тарзда яна 9 та КХК ва 5 та умумий ўрта таълим мактаблари билан ҳамкорлик шартномалари имзолади ва бу борадаги ишлар давом этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2011 йил 1 августдаги 324-сонли, “Вазирлик Ҳайъатининг 2011 йил 27 июлдаги 4/4 рақамли Ҳайъат қарорлари ижросини таъминлаш тўғрисида”ги буйруғига асосан, институт профессор-ўқитувчиларининг ўриндош, соатбай асосда АЛ ва КХКларида ўқув машғулотларини олиб боришлари ташкил этилган.

АЛ ва КХК ўқувчиларини касбга тўғри йўналтириш мақсадида АЛ ва КХКлар билан ишлаш бўлими томонидан кўплаб тарғибот ишлари амалга оширилмоқда. Институт ва бириктирилган коллежлар билан ҳамкорлик ишларини янада такомиллаштириш мақсадида институт кафедралари филиалларини очиш тўғрисида “Қўшма буйруқ”лар имзоланган.